

ЎЗБЕКИСТОН ДИЁРИДА КАТТА ТАНТАНА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!




СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • 24 октябрь 1974 йил, пайшанба № 250 (16.030). Баҳоси 2 тишин.

Кеча бутун Совет Иттифоқи халқлари Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейини зўр тантана билан нишонладилар. Бу байрам халқлар дўстлиги, бирлиги ва монолит жипслигининг буюк намоишига айланди.



А Ж О Й И Б М Е Х Н А Т Ғ А Л А Б А С И

Тюмень область. Совет районидаги Комсомольск
ўрмон-саноат хўжалиги

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Павел Васильевич Попов
бошлиқ йириклаштирилган ёғоч тайёрлаш бригадасининг коллективига

Азиз ўртоқлар!
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети сизларни ажойиб ишлаб чиқариш муваффақияти билан — 1974 йилги ёғоч тайёрлаш юксак социалистик мажбуриятлари ва тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажарганлигингиз билан қизғин қутлайди.
Бригадангиз коллективи умумхалқ социалистик мусобақасида актив иштирок этиб, бу йил 200 минг куб метрдан ортиқ, тўққизинчи беш йиллик бошидан буён жами 600 минг куб метрдан зиёд ёғоч тайёрлади. Бригада учун ёғоч тайёрлаш саноатида бундай иш унумига биринчи марта эришилди.
Сизлар ала шундай жуда катта ишлаб чиқариш кўрсаткичларига меҳнатга ижодий муносабатда бў-

либ, ёғоч тайёрлаш техникасидан моҳирлик билан фойдаланиш ва бориш қийин бўлган ўрмон массивларини ўзлаштиришнинг вахта методини муваффақиятли қўлланиш асосида эришдингиз. Сизнинг иш тажрибангизни кенг ёйиш хўжалик ички резервларидан тўлароқ фойдаланиш ва ёғоч тайёрлаш самардорлигини ошириш ишида муҳим аҳамият касб этади.
Азиз ўртоқлар, қўшимча қабул қилган оширилган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришингизни, беш йилликнинг якуниловчи йилида меҳнатда янгидан-янг муваффақиятларга эришувингизни тилаймиз.

Л. БРЕЖНЕВ,
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари.

ТОШКЕНТ. 1974 йил 23 октябрь. Суратда: минбарда М. А. Суслов, республика раҳбарлари ҳамда республика юбилейига келган меҳмонлар.
А. Авазов ва А. Горюхрик фотоси (ЎзТАГ).

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА, ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Биз, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Совети тантанали йиғилишининг иштирокчилари Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Ўзбекистон Коммунистик партиясининг шонли 50 йиллиги байрами кунларида, Совет Ўзбекистонини гуллаб-яшилтиришга тинмай эътибор бераётганликлари ва гамхўрлик қилаётганликлари учун республиканинг коммунистлари ва барча меҳнаткашлари номидан чуқур миннатдорчилик ва самимий ташаккур сўзларини аввало КПСС ленинчи Марказий Комитетига, Марказий Комитет Сийёсий бюросига, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневга йўллаймиз.

Ўзбек халқи бутун мамлакатимиз меҳнаткашлари билан биргаликда Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида эски дунёга қарши отланди, Совет ҳокимияти учун кураш олиб борди, туб революцион ўзгаришларни амалга оширди, ўз давлатига эга бўлиб, ўз тақдирининг тўла ҳуқуқли хўжайини бўлиб қолди. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида

Большевиклар партиясининг продаси, халқнинг меҳнати, ақлзаковати ва ижодий гайрати билан Ўзбекистон қолоқлидан иситимий-сийсий, иқтисодий ва маънавий тараққиёт чўққиларига кўтарилди.

Индустриалаштириш, коллективлаштириш, маданий революцияни амалга ошириш учун, социализмнинг барча гоят буюк галабаларига эришиш учун кураш тарихига Ўзбекистоннинг ишчилар синфи, меҳнаткаш деҳқонлари, зиёлилари кураш ва бунёдкорлик пафоси билан, революцион оптимизм ва ижодкорлик гайрати билан тўлиб-тошган кўнгини ёрқин саҳифалар ёзди. Ўзбек халқи Улуғ Ватан урушининг дахшатли йилларида ўзининг гоявий матонатини, Ватанга чексиз садоқатини кўрсатди. Барча совет кишилари сингари Ўзбекистоннинг ўғил ва қизлари ҳам фронтларда қаҳрамонларча жанг қилдилар, мамлакат ичкарисинда фидокорона ишладилар, совет халқининг фашист босқинчилар устидан галаба қозонишга муносиб ҳисса қўшдилар.

(Давоми иккинчи бетда).

ГУЛЛА, ЯШНА, ҲУР ЎЗБЕКИСТОН!

ТОШКЕНТДА ҲАРБИЙ ПАРАД ВА НАМОЙИШ

Тошкентда тантаналар, шоду-хуррамлик мавж урмоқда. Пойтахт республика ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигини кенг қўллама тантана билан нишонламоқда. Санъат саро йида бўлиб ўтган юбилей мажлисида КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари ўртоқ М. А. Суслов сўзлаган нутқ тошкентликларини, Ўзбекистондаги барча меҳнаткашларни гоятда қувонтирди. Ўртоқ М. А. Суслов партия Марказий Комитети номидан, унинг Сийёсий бюроси ва шаҳсан Леонид Ильич Брежнев номидан уларга самимий табриклар топширди. Республиканинг Октябрь


Революцияси ордени билан мукофотланди. Ўзбекистоннинг эришган ютуқларига юксак баҳо берилганлиги ҳар бир кишининг кўнги-куч, гайратига қўшмоқда. Катта байрам пахта далаларида эришилган ажойиб меҳнат галабасига тўғри келганлиги ҳам ҳар бир кишини қувонтиради.

23 октябрь эрталаб неча ўн минглаб тошкентликлар баланд руҳ билан шаҳар кўчаларига чиқдилар. Улар қизил байроқларни кўтариб, революциянинг улуғ йўлбошчисини, кўпмиллатли Совет давлатининг бунёдкори номидан майдон сари йўл олдилар. Бу ерда шонли юбилейга бағишланган ҳарбий парад ва намоиш бўлиб ўтди.

Шу кунги Тошкентнинг Ленин майдони айниқса кўркам эди. Қурувчилар айни байрам арафасида бу ердаги ишларини битириб кетдилар. Реконструкциядан кейин бугунги майдон Тошкент ҳозирги марказининг архитектура ансамбли чиройинга чирой қўшиб, бутун қиёфаси билан кенглик ва баландлик тўғрисида айриқич раҳбарлик билан улуғвор ҳайкалининг икки томонида кўтарилган улкан шитларда қардош иттифодош республикаларнинг герблари ва байроқларини, К. Маркс ва Ф. Энгельс портретларини, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоларининг портретларини кўрсатди. Жонажон Коммунистик партия шарафига, шу партия ардоқлаган совет халқлари бўзимас дўстлиги шарафига, Совет Ўзбекистонига бахтидорона куч бағишлаган шу дўстлик шарафига хитоб сўзлари ёзилган транспарантлар чўгдек бўлиб турибди. Майдондаги парадлар ҳиббони бўйлаб кўтарилган баланд-баланд паннолар республика йилномасининг асосий боқиқларини, юбилей шарафига республика эришган ютуқларини эслатиб турибди.

Эрталаб соат 10. Ильяч ҳайкалига ёндаш кенг гранит минбарга КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари ўртоқ М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоларига наъидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоларига наъидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоларига наъидат, Ленинград область партия комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов чиқадилар.

(Давоми иккинчи бетда).



ТОШКЕНТ, 1974 йил 23 октябрь. В. И. Ленин майдони. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг эллик йиллигига бағишланган ҳарбий парад.

А. Авазов, А. Горюхрик (ЎзТАГ) ва А. Тўраев фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИГА СССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

(Боши биринчи бетда).

Биз КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматига шунинг қувонч билан маълум қиламизки, Ўзбекистон ССР ташкил этилганидан кейин утган ярим аср мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши 144 баравар кўпайтириб, замонавий индустрия республикаси бўлиб қолди.

Қишлоқ хўжалигида, қишлоқ меҳнатқашларининг иқтисодий ҳаётида тўғ узағаришлар рўй берди. Колхоз тузуми галаба қозonganлиги туғайди. Ўзбекистон ривожланган социалистик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг гуллаб-яшнаётган ўлкасига айланди.

Нахтацилик қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғидир. Пахта етиштириши кўпайтириш, мамлакатни мана шу қимматбоҳ хом ашё билан тобора кўп миқдорда таъминлаш — Ўзбекистон деҳқонлари ва барча меҳнатқашларининг энг биринчи ватанпарварлиги ва интернационал бурчи, бизнинг энг асосий вазифамиз, республика партия ташкилотининг энг йўналиши.

Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам муваффақиятлар билан ривожланиб бораётган. Жамоат чорвачилиги ўсиб бораётган, маловат, сабзавот, полта маҳсулотлари, мена, узум, пилла, қоракўл тери, гўшт, сут, жун ва тўғу етиштириш кўпайишда.

Партия XXIV съездининг, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон ССРга Халқлар дўстлиги орденини тошпиришга бағишлагани Тошкентда ўтказилган тантанали мажлисда сузлаган нўқда республиканинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш туғайди берган йўл-йўналишлари бажари бориб, Ўзбекистон меҳнатқашлари экономикаси янада ривожлантириш учун тобора зўр гайрат билан курашмоқдалар, беш йилликнинг туртинчи, белгиланган йилда Ватанга камда 5 миллион тонна пахта тошпириш туғайди қабул қилган мажбуриятларини шараф билан адо этиш учун ҳамма зарур чораларни кўрмоқдалар.

Социализминг катта ўзгаришувчиллик кучи, Коммунистик партиянинг ленинча миллий сийасати фан, маданият, маорифни ривожлантиришда, ўзбек халқининг бутун маънавий ҳаётида равшан намоён бўлди.

Эндиликда Ўзбекистон Ёшлар саводхон республикадир. Оқиллар Ватанини фани ва жаҳон фанини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида, налим-тадқиқот институтлари ва муассасаларида, олий ўқув юртиларида 28 миңдан кўп илмий ходим ишламоқда. Совет Ўзбекистонининг адабиёти ва санъати равиқ тоғди, янги социалистик мазмун касб этди, жанр ва формалари жиҳатидадан бўлди.

Ўзбекистон меҳнатқашлари республикамиз эришган барча муваффақиятлари учун, унинг шон-шухрати ва ифтихори учун улуг Лениндан ва туғган Коммунистик партиядан, социалистик тузумдан, доно ленинча миллий сийасатдан, халқларнинг мустақам дўстлиги ва қардошлигидан миннатдордир.

1966 йилда Тошкент бошига тушган табиий офат оқибатларини тугатиш давомида совет халқлари дўстлиги ва қардошлигининг улуг қудратли кучи гўла намоён бўлди. Партиядинг, бутун мамлакатнинг ота-бача меҳрибонлиги туғайди бизнинг пойтахтининг қисқа муддат ичида қайта тикланди ва янгидан қурилди. Қайта бунёд этилган ва улусиз ўсиб бораётган Тошкент ССР халқлари мустақам ва бузимас дўстлигини мустақамлантирувчи улугвор монумент сингари асрлар бўйи яшайверади.

Мана шу мароғли ва тантанали байрам кунинда биз Ўзбекистонинг барча меҳнатқашлари номидан партия, эътибор ва меҳрибонлик учун сенга самийий ташаккур, қардош халқлар, сингиларга, улуг рус халқи сенга ҳолсонса ва сажий ёрдам учун, шукрдас ва мусафо дўстлик учун, ленинча интернационализм принципларига чексиз садоқат учун катта раҳмат, деб айтамыз. Қурашда ва меҳнатда чиниққан ССР халқларининг дўстлиги гранит сингари мустақам, булқ сувидек мусафо, қўшининг ўзидек қайиқ ва порокдир. Совет халқларининг мана шу дўстлигини, астойдил ва самийий дўстлигини ўзбек халқи, республиканиннг барча меҳнатқашлари ҳамма ўзининг энг азиз мулкидек, кўа қорачуғидек асраб келди ва бундан кейин ҳам шундай асрайди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Ўзбекистон меҳнатқашларининг революцион ҳаракатига, Улуг Октябрь социалистик революцион галабаси учун ва жаҳонда биринчи кўнмалакани социалистик давлатни мустақамлаш учун курашдаги хизматларига, Ватанимиз душманларига қарши курашга кўшган катта ҳиссасига ва коммунистик қурилишда эришган муваффақиятларига юксак баҳо берди.

Хозир Ўзбекистон байроғида иккита Ленин ордени, Халқлар дўстлиги ордени билан бир қаторда Ватаниннг туртинчи мукофоти — Октябрь Революцияси ордени ярираб турибди. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг табриқномасида ўзбек халқининг меҳнатига юксак баҳо берилганлиги, Октябрь Революцияси ордени тошпирилганлиги республиканиннг барча меҳнатқашларини чексиз қувонтирди, фахрлантирди ва ваҳомлантирди.

Республиканиннинг эришган муваффақиятлари ва хизматлари шу даражада юксак тақдирланганлиги учун биз Ўзбекистон ишчлари синфи, колхозчи деҳқонлари, экилчилари номидан КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматига қизгин, самийий ташаккур иҳор этамиз ва Ўзбекистон меҳнатқашлари партиясининг шу меҳрибонлигига жанобан азиз Ватанимизнинг шон-шухрати йўлидаги меҳнатда янги-янги галабаларга эришадилар, деб ишонтирамыз.

Республика билан бирга Ўзбекистон Коммунистик партиясини ҳам ўси ва ривожланди, у ўзининг бутун ярим асрлик тарихи давомида улуг Ленин партиясининг ишончли, жанговар отряди ролин шараф билан адо этиб келмоқда, марксизм-ленинизмга, социалистик интернационализм принципларига муқаддас садоқатини намоён қилмоқда. Республика Компартияси ўзининг 50 йиллик юбилейини сийсий ва ташкилотчилик ишининг катта таърибаси билан бойнаган ҳолда, КПСС ленинчи Марказий Комитети теварагига монолит жишлаган, гоъийи етук ва чиниққан ҳолда кутиб олмақда.

Бутун совет халқи сингари Ўзбекистон меҳнатқашлари ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ички ва ташкилотчи сийсатини, КПСС ленинчи Марказий Комитетининг, унинг Сийсий бюросининг сийсий йўлини ва амалий фаолиятини гўла-тўки маълумлайди ва қўллаб-қувватлайди, мамлакатининг иқтисодий қудратини мустақамлашга, КПСС XXIV съездининг жаҳонда мустақам тинчликни таъминлашга, Совет Иттифоқининг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини оширишга қаратилган Тинчлик программасини амалга оширишда Леонид Ильич Брежневнинг шахсан қўшган гоъий буюқ ҳиссасини юксак қадрлайди.

Совет Ўзбекистонининг меҳнатқашлари ўз республикаси ташкил этилганлигининг иккинчи ярин асрига қадам қўйиб, марксизм-ленинизмнинг барҳаёт голларига ҳамма содиқ бўлиб қоламиз, ўз сафарларини жонажон партиясини ленинчи Марказий Комитети теварагига янада мустақам жишлантирамиз, улуг Ватанимиз қудратини, шон-шухратини янада мустақамлаш учун курашда янги-янги муваффақиятларга эришамиз, ўзининг бутун кучини, билим ва таърибамизни коммунистик қурилишнинг улугвор программасини амалга оширишга бағишлаймиз, деб тантанали қасамд қиладилар.

Яшасин Ватанимиз халқлари дўстлиги ва бахт-саодатининг мустақам қалъаси — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Яшасин барча галабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини, улуг Ленин партиясини!

Яшасин бутун инсониятнинг қордоқ келажиги — коммунизм!



ГУЛЛА, ЯШНА, ҲУР ЎЗБЕКИСТОН!

ТОШКЕНТДА ҲАРБИЙ ПАРАД ВА НАМОЙИШ

(Боши биринчи бетда).

Тантаналарга келган делегацияларнинг бошлиқлари: Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. А. Шеварднадзе, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. А. Алиев, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. Бодол, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Р. Расулов, Туркменистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ф. Гапулов, Остона Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. В. Лебедев, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари К. С. Демирчян, КПСС Москва шаҳар комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. М. Тажельников, КПСС Иваново область комитетининг биринчи секретари В. Г. Кляев, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси М. А. Ясноу, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. С. Грушевич, Қозғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси С. В. Нибезов, Литва ССР Министрлар Советининг Раиси И. А. Манюшис, Латвия ССР Министрлар Советининг Раиси Ю. Я. Рубин, Болгария Коммунистик партиясининг Хасково округ комитетининг биринчи секретари Г. Н. Корцанов, Болгария — Совет дўстлиги умумхалқ комитетини раисининг ўринбосари, БКП Марказий Комитетининг аъзоси К. Нестеров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкина, П. Р. Қурбанов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Магочнов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. Камолов, Н. Махмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, А. А. Хўжаев, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Ахмедов, Г. А. Габриельян, И. В. Марджиев, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев улар билан бирга жинбарга чиқадилар.

Майдонда туркистончи жангчилар текис саф тортиб турибди. Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг кўмондони генерал-полковник С. Е. Белонюжко ҳарбий парад кўмондонини генерал-лейтенант Ю. П. Максимов рапортини қабул қилиб олган, қўшинларининг сафларини айланиб ўтади, парад қатнашчиларини байрам билан кутлайди. Фанфараларнинг «Ҳамма эшитсин!» деган сигнали майдон узра янграйди. Генерал-полковник С. Е. Белонюжко минбарга кўтарилиб, парад қатнашчиларига, Совет Ўзбекистонининг ҳамма меҳнатқашларига, байрамнинг меҳмонларига мурожаат қилиб, нўқ сузлайди. У парад қатнашчиларини, Ўзбекистонинг барча меҳнатқашларини, байрам меҳмонларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва ҳукумати номидан ҳамда уларнинг тошпирувчи билан катта, шодона байрам — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон Коммунистик партиясини ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан қизгин табриқлайди ва кутлайди. Барча совет халқи сингари республика меҳнатқашлари ярим асрлик юбилейни сийсий активлиги кучайган ва меҳнат гайрати жўш урган бир вазиятда, КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга ошириш учун фидокорона кураш шайоқларида кутиб олмақдалар.

Барҳаёт Ленин яратган Коммунистик партия раҳбарлигида Совет Ўзбекистонининг меҳнатқашлари қисқа муддат ичида кўп миллатли Ватанимиз ҳамма халқларининг, даставвал улуг рус халқининг қардошлиқ ёрдами билан иқтисодий-сийсий, социал, иқтисодий ва маданий тараққийда улугвор муваффақиятларга эришдилар. Совет халқи инсоният тарихида биринчи бўлиб ривожланган социалистик жамият қурди ва ҳозирги пайтда коммунистик қурилиш улугвор программасини зўр иқодий гайрат билан амалга ошириб бормоқда. Совет халқи партиясининг доно ички ва ташки сийсатини, КПСС Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Сийсий бюроси ва шахсан Марказий Комитет Бош секретари И. Р. Расулов, Туркменистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Р. Расулов, Туркменистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари М. Ф. Гапулов, Остона Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. В. Лебедев, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари К. С. Демирчян, КПСС Москва шаҳар комитетининг иккинчи секретари Л. И. Греков, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. М. Тажельников, КПСС Иваново область комитетининг биринчи секретари В. Г. Кляев, РСФСР Олий Совети Президиумининг Раиси М. А. Ясноу, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. С. Грушевич, Қозғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси С. В. Нибезов, Литва ССР Министрлар Советининг Раиси И. А. Манюшис, Латвия ССР Министрлар Советининг Раиси Ю. Я. Рубин, Болгария Коммунистик партиясининг Хасково округ комитетининг биринчи секретари Г. Н. Корцанов, Болгария — Совет дўстлиги умумхалқ комитетини раисининг ўринбосари, БКП Марказий Комитетининг аъзоси К. Нестеров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкина, П. Р. Қурбанов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Магочнов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. Камолов, Н. Махмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, А. А. Хўжаев, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. А. Ахмедов, Г. А. Габриельян, И. В. Марджиев, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев улар билан бирга жинбарга чиқадилар.

Ватанимизнинг меҳнатқашлари Совет Куролли Кучлари тинч яратувчилик меҳнати побонлигида қайғий туриб, доимо юксак жанговар таёйрликни сақлаб келатганликларига ва социалистик Ватаниннг ҳимой этиш борасидаги муқаддас бурчларини шараф билан бажаришга ҳамда қардош социалистик мамлакатларнинг армиялари билан бирга социализминг улугвор галабаларини ҳимой қилишга жамарбаста бўлиб турганликларига амин бўлишлари мумкин. Қизил Байроқ ордени Туркистон ҳарбий округининг жангчилари кўп миллатли давлатимиз куролли ҳимоячиларининг ягона сафида турибдилар. Улар улуг Совет Ватанимизининг жанубидаги муқаддас чегараларини сергажлик билан қўриқламоқдалар. Кўмондон Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига, улуг совет халқи ва унинг шонли Куролли Кучлари шарафига, СССР халқларининг қардошларча дўстлиги ва бузимас бирлиги шарафига, халқимизни Ленин йўлидан коммунизм галабаси сари олиб бораётган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини шарафига хитоб сузлари айтади. Майдон узра солдатларнинг қудратли «ура» садолари жаангилдай. Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССРнинг давлат гимнлари оханглари улугвор янграйди. Тулардан бир маромада отилаётган салют зарбалари эшитилиб туради. Қўшинларнинг тантанали марши бошланади. Анъанана кўра уни бўлғуси ҳарбий музикачилар — беш барабанчилар очиб берадилар. Офицерлар колоннаси шаҳдам қадам ташлаб майдонга кириб келади. Улар — таърибали командирлар, юқори маълумотли мутахассислар, жанговар ҳаракат ташкилотчиларидир. Улар кийган мундирларда ярираб турган мукофотлар букинг далия. Қизил Байроқ ордени, Қизил Юлдуз ордени В. И. Ленин номи Тошкент умумқўшин командирлари олий мактабнинг бўлимчалари офицерлар колоннаси кетидан кириб келади. Минбарда турганлар ленинчи курсантларнинг био текис сафларини, уларнинг шаҳдам ҳаракатларини қарсақлар билан кутиб оладилар. Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, бронтанк қўшинлари Маршал П. С. Рибалко номи Ленин ордени Тошкент танк командирлари олий мактабнинг курсантлари қадам ташлаб, келмоқдалар. Тезорар

ларни бошқариб бораётган жангчиларни олишладилар. Одатдаги гуллар ва минорлардан иборат, шунингдек дўшманга даҳшат солган шонли «Катюша»ларнинг авлоди бўлмиш реактив установақлардан иборат артиллерия майдонга кириб келади. Совет Армиясининг асосий зарбор кучи — турли аҳамиятдаги қудратли ракеталар парадни яқуллайди. Шаҳар меҳнатқашларининг байрам намоийини бошланади. Олинда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Герби ва СССРнинг Давлат байроғи кўтариб бориламоқда. Ватанимиз халқларининг миллий либосларини кийган йигит-қизлар қардош иттифоқдош республикаларнинг байроқларини кўтариб бормоқдалар. Шаҳарнинг дондор қишларини — Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат қишлари майдонга кириб келади. Тошкентнинг Қизил байроғини шомол хиллiratмоқда. Мана шу байроқни кўтарган шаҳар пролетариати Туркистонда Совет ҳоқимиятини қарор тоғдирди ва мустақамлади, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси пойдеворини қурди. Шаҳар меҳнатқашлари эндиликда шу байроқ остида КПСС XXIV съезди белгиланган берган беш йиллик улугвор ваифаларини муваффақиятли бажариш учун социалистик муосбақа муваффақиятларини кўпайтириб бормоқдалар. Революцион жанглр ва меҳнат ветеранлари тушган автомашиналар майдондан ўтиб бормоқда. Шу кишиларнинг ҳаёт йўли ёшларга муносиб ўрнақдир. Ветеранларнинг юзла-

ри шодон порламоқда — улар жонажон Ўзбекистонининг буғуғий зафарларида ўз ҳаётлари, сийҳат-саломатликларини аймай олиб борган курашларининг юксак идеялари конрет мужассамини кўрмоқдалар. Терма колонналарнинг ўтинчи ранг-баранг ва ифодали манзара билан тугайди. Минглаб болалар минбарлар олдида пахта даласини ҳосил қиладилар. Ундаги ёзув 1924 йилда республика 206 миң тонна пахта берганлигини, ҳозир эса Ватан Ўзбекистондан 5 миллион тонна «оқ олтин» олақарини билдиради. Ишлаб чиқарувчи кучларини шиддат билан ривожлантириб бораётган, Совет давлатининг бойликларини йилдан-йилга кўпайтиратган республиканиннг баҳодирон оқиллари мана шундай. Район намоийичиларининг колонналари парадлар ҳайёб бўйлаб бормоқда. Байроқлар, гуллар, транспарантлар, плакатлар мавий ўрмоқда. Намоийичиларнинг сафлари узра Леонид Ильич Брежнев портрети, КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси бошқа аъзоларининг портретлари кўтарилаган. Алвонларда Ўзбекистон меҳнатқашлари, совет кишилари барча галабаларининг иқодчиси ва ташкилотчиси Ленин партиясининг теварағидаги сафларини бундан буюғ ҳам маҳамроқ жишлантиришга аҳд қилганликларини ифода қилади. Намоийичилар кўтариб бораётган ишчиларда ўз вакилларини намоийишга юборган завод фабрика, қурилиш, илмий институт ва бошқа коллективларнинг номлари кўрилади. (Давоийи учинчи бетда).



ТОШКЕНТ. 1974 йил 23 октябрь. В. И. Ленин майдони, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг эллик йиллигига бағишланган меҳнатқашларнинг байрам намоийини. А. Тураев фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ ЭЪЛИК ЙИЛЛИГИ ГУЛЛА, ЯШНА, ХУР ЎЗБЕКИСТОН!

(Боши йккинчи бетда).

Мана шу номларнинг ўзбек республика ва унинг пойтахти ҳаётида Октябрь галабасидан кейинги ярим аср мобайлида руй берган ўзгаришларни яхшироқ ҳикоя қилиб турибди. Революциядан аввалги Тошкентда аттиги уч мингта ишчи бор эди. Шу ишчилар майда ярим кустар корхоналарда меҳнат қилардилар. Эндиликда мамлакатнинг энг муҳим саноат марказларидан бири бўлиб қолган республика пойтахти индустриясида қариб 400 минг ишчи бор.

Ленин районининг колонна-сида Октябрь революцияси номли тепловоз вагон ремонт заводи коллективи фахри ўрин эгаллайди. У ўз шажарасини Тошкент болшевикларининг қалъаси деб ҳаққоний равишда айтаётган темир-йул устaxonаларидан бошлаган. Эндиликда темир йулчилар жангдор аъёнларининг ворис-лари биринчи класс кучли тепловозларни ремонт қилаётган-лар ва йилангилар, транспорт-ларга юксак техника тараққийти учун кураш ташаббусчилари бўлиб чиқаятилар.

В. П. Чалдов номли авиация ишлаб чиқариши бирлашмасининг колоннасида ҳар қачонгидек одам кўп. Мамлакатда шу идгор корхонанинг ишчилари ва инженер техник ходимлари кўли билан қудратли ҳаво лайнерлари тайёрланмоқда.

Дунёда энг яхши пахта тер-риш машиналарининг яратув-чилари — «Ташсельмаш» иш-чилари, халқаро выставкалар-да доимо медалларга сазовор бўлиб келаятган тўқимачилик машиналарини яратадиган «Таштекстильмаш» мутахас-сислари, мамлакатдаги ҳамма пахтакор республикаларини ўз машиналари билан таъминлаб келаятган трактор заводининг ишчилари бормоқдалар. Энер-гетиклар, оксикатор, энг но-зик электрон асбоб, сунъий олмос, электр кабель, компрес-сор, селюла, ғўзага ердан дори пураш аппаратуралари, кўтаргич кранлар ва оғир индустриянинг бошқа маҳсулотларини яратув-чилар республика ва Ўзбеки-стон Компартиясининг 50 йил-лик юбилейи шарафига табрик сўзлари айтиб ўтмоқдалар. Ёнгил саноат ходимлари олган ва ўзлари тўқиб чиқараётган газ-лама ҳамда трикотаж намуна-лари тўвусдек рағ-баранг то-ланади. Озиқ-овқатчилар, ти-кувчилар, машина хизмат хо-

димлари юзлаб хил маҳсулот чиқармоқдалар.

Тошкентликлар бундан ярим аср аввал Ўзбекистон Респуб-ликаси бўлиб бўлганлигини ни-шонлаб, оёки тузумдан мерос қолган саводчилиқни тезда ту-гатиш тўғрисида орзу қилган эдилар. Бугун эса, минбарда-ғилар 200 га яқин илмий му-дирлар фаолиятини уйғунлаш-тириб турган республика Фан-лар академиясининг майдондан ўтаётган ходимларини олқин-ламоқдалар. Шаҳардаги кўп-дан-кўп олий ўқув юрталари-нинг студентлари ва муаллим-лари, мактаб ўқувчилари, ада-бий ва санъат арбоблари на-мойинда янги Тошкент вақил-лари сифатида ўтдилар.

Винокорлар ўз рапортлари-ни фахр билан кўтариб ўтмоқ-далар. Улар байрамга Ле-нин майдонини реконструкция қилиш борасидаги жуда кўп ишларни бажардилар, кўпқават-ли «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, «Зарафшон» ресторани, выстав-калар зали каби ноб бинолар-ни, бошқа катта-катта иншоот-ларни қўрдилар. Жами саҳни 375 минг квадрат метрдан зи-ёд уй-жойлар, кўп мактаб, би-нолар муассасаларини барпо эдилар.

Ўзбекистон пойтахтидаги ҳамма меҳнаткашларнинг иш-лари келгусидаги муваффақия-тлар тўғрисида гапхўрлик тўғу-ларини билан сугорилган. Пойтахт меҳнаткашлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Кишинев-даги тантанали мажлисида сўз-лаган нутқидаги қақриққа ас-тойдил қўшмоқдалар. Ўртоқ Л. И. Брежнев жамоат ишлаб чиқариши самардорлигини ошириш учун, капитал мабла-ғларнинг ҳар бир сўмидан оқил-лона фойдаланиш учун, техни-кани эъзозлаш учун, халқ бахт-саодатини янада ошириш йўлида ўзинчи беш йилликни сифат, самардорлик беш йил-ликка айлантириш учун сабот-матонатли курашни кенг қулоч ёйдирришга даъват этганди.

Қариб ҳар бир колоннада дўпини очилган пахта қаноқлар-нинг макетлари кўринади. Тошкентликларнинг ҳамма иш-лари республиканинг асосий бойлиги бўлмиш пахта тўғри-сида гапхўрлик билан сугорил-ган. Улар пахтачилик учун тех-ника ишлаб чиқаришни дои-мо кўпайтириш, юксак деҳқон-чилик маданияти учун кураш-да қишлоқ меҳнаткашларига ҳар томонлама ёрдам бериш билан ўроқ ва болга иттифоқи-

ни, мустаҳкамлашди. Бугун Тошкент меҳнаткашлари В. И. Ленин майдондан туриб, пахтакорларни давлат пахта тайёрлаш ва бажаришнинг бидан қизғин табриқлашди.

Юбилей тантаналарига кел-ган қардош республикалар де-легациялари шаҳнига табрик сўзлари ёзилган транспарант-лар ҳам кўтариб боришмоқда. Ўзбекистоннинг ҳамма меҳнат-кашлари совет халқлари қар-дошлагини ҳормай-толмай му-стаҳкамлашди. Умумий мақсад — мамлакатимизда коммунист муваффақиятли қўриш йўлида республикалар ҳамдўстлигини барча қоралар билан ривожлантираверайлик, деган сўзларини шор қилиб ол-ганлар.


Намойишчилар кўтариб бор-ган юзлаб плакатлар, паннолар ва транспарантларда тинчлик-ни ҳамма қилиш, КПСС XXIV сьезди белгилаб берган Тинч-лик программасини изчиллик билан амалга ошириш бораси-даги толам фаолияти учун КПСС Марказий Комитетига, унинг Сиёсий бюросига, шаҳ-сан Леонид Ильич Брежневга миннатдорчилик сўзлари ёзил-ган.

Тошкентликлар ўз шаҳарла-ри кўп халқлар учун яхши ния-тли кишиларни бирлаштириш-нинг рамзи бўлиб қолганлиғи-дан ҳам қувонадилар. Барча совет кишилари каби Ўзбеки-стон пойтахтининг меҳнаткаш-лари ҳам, Коммунистик партия ва Совет давлатининг доно таши-қи сиёсатини ўз меҳнатлари билан мустаҳкамлашга, соци-алистик ҳамдўстлик қудратини мустаҳкамлашга бел болаган-лар.

Намойиш охирайди. Май-дон бир лаҳзагина бўш қолади. Сўнгра уни спортчилар тўлдирдилар. Тўрт мингдан ошқ йигит ва қиз мураккаб гимнастика машқларини бир маромда бажаради. Байрам то-молиси охирида спортчилар улкан «50» рақамини ҳосил қиладилар. Гимнастикачилар ҳосил қилган «ваза»дан Ильич портрети туширилган Қизил байроқ кўтарилади. Ленин пар-тияси шарафига, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компар-тиясининг ярим асрлик юби-лейи шарафига хитоб сўзлари янграйди.

Тошкентдаги байрам намо-ийиш Ўзбекистон меҳнаткаш-ларининг жонажон партия бар-лигида коммунистик бунёд-корлик соҳасидаги муваффақия-тларни кўпайтиришга таянч эътиборини яна бир бор зўр куч билан тасдиқлади.

(ЎЗАТАГ).



ТОШКЕНТ. 1974 йил 23 октябрь. В. И. Ленин майдони. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг эълик йиллигига бағишланган меҳнаткашларнинг байрам намоийиши.

А. Тураев фотолари.

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Киров райони меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, давлатга пахта сотиш ҳақи хўжалик планини муддатидан илгари 22 октябрда бажардилар. Тайёрлов пунктларига 56,8 минг тоннадан кўпроқ пахта топширишди. Шу жумладан, 21,5 минг тоннадан кўпроқ пахта машиналарда териб олинди.

«Искра» колхозини, «Беш-арик» совхозини, «Октябрь 40 йиллиги» совхозини, «Мисна» колхозини муваффақият билан бажариб, социалистик мажбурийлик ҳисобига пахта топширишди.

Район пахтакорлари барча етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олишга интилиб, давлатга яна 11,5 минг тонна пахта сотишга ва гектардан 34 центнердан ҳосил олишга қарор бердилар.

Риштон районининг пахтакорлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг эълик йиллиги-

ни муносиб кутиб олишга таян-лашиб, давлатга пахта сотиш халқ хўжалик планини бажардилар. Тайёрлов пунктларига 33,950 тонна пахта топширишди.

«Риштон», Навоий номи, «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхозлари районда биринчи бўлиб планни бажардилар ва социалистик мажбурийлик ҳисобига пахта топширишнинг давом эттиришди.

Район деҳқонлари 39 минг тонна пахта беримиз, деб зиммаларига олган социалистик мажбурийликнинг бажаришга маҳкам бел болаганлар.

Қўнғирот райони пахтакорлари КПСС XXIV сьезди қарорларини амалга ошира бориб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг эълик йиллигини муносиб кутиб олишга ҳозирла-ниб, пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини баранг, 21 октябрда бажаришди. Давлатга 12,7 минг тонна пахта сотилди, хо-

салининг ярмидан кўпи машиналарда териб олинди.

Район меҳнаткашлари бутун етиштирилган ҳосилни териб олиш учун фидокорона меҳнат қилишнинг давом эттиришди. Давлатга белгиланганига қараганда 4,3 минг тонна кўп пахта топширишга қарор бердилар.

Фарғона районининг меҳнаткашлари тўқтинчи беш йилликнинг белгиланиши, тўртинчи йили топширишларини барванг бажариш учун мусобақалашиб, давлатга пахта сотиш халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажардилар. Тайёрлов пунктларига 24,740 тонна пахта топширишди. Ленин номи колхоз, «Фарғона» совхозини, Навоий номи, Турсункулов номи, Оқунбобоев номи колхозлар планни районда биринчи бўлиб бажариб, социалистик мажбурийлик ҳисобига пахта топширишди.

Район пахтакорлари яна 7,3 минг тонна пахта топширишга қарор қилдилар.

Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ «НОЙЕС ДОЙЧЛАНД» ГАЗЕТАСИГА МАКТУБИ

БЕРЛИН. 21 октябрь. (ТАСС). Германия Бирлашган Социалистик партияси Марказий Комитетининг органи «Нойес Дойчланд» газетаси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга мактубини эълон қилди.

Л. И. Брежнев ўз мактубда Германия Демократик Республикаси ташкил топганлигининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган таънаваларда иштирок этганлиги ҳамда Карл Маркс ордени билан мукофотланганлиги

муносабати билан ГДРдан кўп-лаб табриклар олганлиги учун миннатдорчилик ахбор қилади.

Л. И. Брежнев бу юксак мукофотни маркс-ленинча таълимнинг ҳаётга таъбиқ этиш тўғрисидаги қўшган тарихий ҳиссанинг эътирофи эклини деб, социализм ва коммунизм таънаси учун биргаликда олиб борилаётган курашда ГДР халқининг содиқ дўсти насафодлиги — улут совет халқига қардошларча дўстлик ва ҳур-мат-эҳтиром тўғуларининг ифодаси деб баҳолади.

Я. АРАФАТНИНГ Л. И. БРЕЖНЕВГА ТЕЛЕГРАММАСИ

Фаластин озолиги ташкилотининг уш ҳаққоний ҳуқуқлари, Ясир Арафат КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневга телеграмма ўқиб, Фаластин халқини ва унинг одилона иштини қўллаб-қувватлаш соҳасида Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстлик тутган қатъий позиция учун Фаластан халқи номидан чуқур миннатдорчилик ахбор эъти.

Сизнинг Молдавия Республикаси пойтахти — Кишинёвда сўзлаган нутқингиз, дейлади телеграммда, матонатли ва курашяётган халқимиз кенг омма-си қалбда чуқур из қолдириди.

Сиз шу нутқингизда халқимизнинг миллат сифатида яшашини туғатишга интилаётган имперализм ва сионизм зарбалари қаршилик қўрсатаётган оғир ва машаққатли бир пайтда уни қўллаб-қувватлаш юзасидан Сиз ва улут Совет Иттифоқи халқи тутган принципиал позицияни ҳеч қачон унутмайди.

(ТАСС).

ХУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажаришлари учун кўнғирот районлар республика «ХУРМАТ ТАХТАСИ»га эътибор:

Хонқа райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Бобоносов, район икрия комитетининг раиси ўртоқ Шаниқов, район икрия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Юсупов, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Ситтиев, сугориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Жуманисёев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Аминов.

Янгиерк районини — район партия комитетининг секретари ўртоқ Собиров, район икрия комитетининг раиси ўртоқ Болтаев, район икрия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Юсупов, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Ражабов, сугориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ситтиев, сугориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Исомов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Назаров.

Кўнғирот райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Абдилов, район икрия комитетининг раиси ўртоқ Матчонов, район икрия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Раҳимбердиев, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Отаулов, сугориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Абдуллаев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Сарсенов.

Киров райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Бегматов, район икрия комитетининг раиси ўртоқ Саидов, район икрия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ҳайдаров, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Борисов, сугориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Усмонов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Холматова.

Риштон райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Оқунов, район икрия комитетининг раиси ўртоқ Жураев, район икрия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Абдуллаев, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Собиров, сугориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Зоиров, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Хонжиев.

Фарғона райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Анбаров, район икрия комитетининг раиси ўртоқ Бекмирзаев, район икрия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Комиллов, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Ганиев, сугориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Мирзаарзулов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Отажонов.

Нукус райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Каббеков, район икрия комитетининг раиси ўртоқ Малолова, район икрия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Жидебоев, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Солтенов, сугориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Аллоев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Хўнаматов.

Кегейли райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Қўйлибоев, район икрия комитетининг раиси ўртоқ Нуриллаев, район икрия комитети қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Абдуллаев, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ Нанжиков, сугориш системалари район бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Нампов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Мамбетниязов.

РЕСПУБЛИКА ИНДУСТРИЯСИНИНГ ЮБИЛЕЙГА СОВҒАСИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXIV сьезди қарорларини амалга ошира бориб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, маҳсулотни реализация қилиш юзасидан ўн ойлик планни муддатидан илгари — 22 октябрда бажардилар. Ойнинг охиригача пландан ташқари 290 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Газ, кўмир қазиб чиқариш, электр энергия ҳосил қилиш, трактор ва фосфатли ўғит, пахта толаси ва каноп, гилам ва паёндозлар, пайпоқлар ишлаб чиқариш, озиқ-овқат саноати маҳсулотларининг бир қанча турларини ва бошқа кўпгина буюмларини ишлаб чиқариш юзасидан ўн ойлик план ошириб бажарилади. (ЎЗАТАГ).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ПАХТАСИ

Қорақалпоғистон АССР пахтакорлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар, уни ушоққонлик билан териб олиб, давлатга пахта сотиш халқ хўжалик планини муддатидан илгари, 23 октябрда бажардилар. Тайёрлов пунктларига 315 минг тонна пахта етказиб берилди, ҳосилнинг ярмидан кўпроги машиналар билан териб олинди.

Хўжайли, Нукус, Қўнғирот, Кегейли районларидан колхоз ва совхозлар халқ хўжалик планини автоном республикада биринчи бўлиб бажардилар. Пахта териш ва давлатга топшириш давом этмоқда.

Автоном республика деҳқонлари пахта далаларида фидокорона меҳнат қилмоқдалар, етиштирилган бутун ҳосилни несобида қилимай териб олишга, давлатга пахта сотиш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбурийликларини анча ошириб бажаришга, 1975 йил ҳосили учун барча кузги-кишини ишларини ўз вақтида анж олдириб юборишга ҳаранат қилмоқдалар.

50 ТОННА ЮБИЛЕЙ ИШИ ХИРМОНИ

Пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 23 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ (Планга нисбатан процент ҳисобида)

Областлар	Вир кунда	Шу жумладан машинада	
		мавсум бошидан	бир кунда мавсум бошидан
СИРДАРЕ	1,20	113,51	1,15
ТОШКЕНТ	1,80	112,36	0,70
ЖИЗЗАК	0,74	110,89	0,37
АНДИЖОН	0,81	110,18	0,86
ҚАШҚАДАРЕ	1,24	105,81	0,68
ХОРАЗМ	1,50	103,23	2,30
ҚАСС	2,09	98,49	2,40
Сурхондарё	0,83	97,65	0,78
Бухоро	1,16	96,35	1,24
Фарғона	1,30	96,26	2,03
Наманган	1,30	95,15	1,47
Самарқанд	2,21	87,44	3,89
Республика буйича:	1,29	101,36	1,55
Шу жумладан илгича толали пахта			98,13
Республика буйича:	1,41		68,67

